



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИИГ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАСИ БОЙИЧА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ БУГУНГИ ХОЛАТИ

Жуманазаров Ферузбек

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академияси
Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти йўналиши 3-босқич
306-гурӯҳ курсанти

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 25- Aprel 2023 yil

Ma'qullandi: 28-Aprel 2023 yil

Nashr qilindi: 05-May 2023 yil

KEY WORDS

хуқуқбузарликб, профилактика
инспектори, қонунийлик, якка
тартибдаги профилака, инсон
омили, давлат органлари,
жиноят.

ABSTRACT

Профилактика инспекторининг хуқуқбузарликнинг якка тартибдаги профилактикаси бўйича фаолиятини ташкил этишнинг моҳияти шундан иборатки, хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси шахсининг, унинг ижтимоий муҳитининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-маиший шароитлари ва турмуш тарзи, шахсининг ғайриижтимоий хулқ-атворини, хуқуқбузарлик содир этишга мойиллигини, шунингдек содир этилган хуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини тавсифловчи бошқа омиллар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади. Шунингдек шахсининг ғайриижтимоий хатти – ҳаракат содир этишини олдини олиш мақсадида хуқуқбузарликнинг якка тартибдаги профилактикаси чора тадбирларни амалга оширилади.

Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини қўллаш учун шахсининг ғайриижтимоий хулқ-атвори тўғрисида, унинг хуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги ёхуд у хуқуқбузарлик содир этганлиги ҳақида далолат берувчи ишончли маълумотларнинг мавжудлиги асос бўлади.

Хуқуқбузарликларнинг мажбурловчи ва чекловчи хусусиятдаги якка тартибдаги профилактикаси қонунда назарда тутилган асосларда қўлланилади.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида жуда кенг қўламда ва турли хил йўналишларда фаолият кўрсатиши билан ажралиб туради.

Маълумки, ички ишлар органларининг асосий вазифаси ўз моҳияти ва мазмунига кўра жамоат тартибини сақлашга, жиноятларнинг олдини олишга, жамиятда хуқуқни муҳофаза қилишга, қонун устуворлигини таъминлашга, фуқароларнинг қонуний хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгандир¹.

Профилактика инспектори белгиланган ҳудуддаги ижтимоий, криминоген ҳамда оператив вазиятнинг барқарорлиги, жамоат тартибининг намунали тарзда

¹ И.Исмаилов ва бошқа. Ички ишлар органларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини ташкил этиш / Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 2011. Б. 209.

таъминланиши учун бевосита масъул эканлигидан келиб чиқиб, ички ишлар органларининг бошқа хизматлари билан ишни доимий равишда ҳамкорлик асосида ташкил этишни йўлга қўяди².

Улар жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар эркинликларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноят содир этганларни аниқлаш, олдини олиш ва очиш бўйича оператив-қидирув чора тадбирларни, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш ва жиноятга оид жазони ижросини таъминлаш бўйича фаолият кўрсатадилар. Ички ишлар органлари тизимида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари ҳам ўз ҳиссасини қўшиши шу билан биргаликда жиноятларни олдини олишда ўз хусусиятларини амалга оширишда қуидагиларда намоян бўлади:

— Профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларнинг якка татибдаги профилактикасинини амалга ошириш фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари шундаки якка тартибдаги профилактикасини амалга ошириш жараёнида аниқ қиладиган ишларини ўз олдига қўйиб олиши ва белгиланган вазифаларни бажариши лозим. Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси шахснинг, унинг ижтимоий муҳитининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоиймаиший шароитлари ва турмуш тарзи, шахснинг ғайриижтимоий хулқатворини, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллигини, шунингдек содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини тавсифловчи бошқа омиллар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади;

— Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини қўллаш учун шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворидан, унинг ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллигидан ёхуд у ҳуқуқбузарлик содир этганлигидан далолат берувчи ишончли маълумотларнинг мавжудлиги асос бўлади.

Демак якка тартибдаги профилактика ўзига хослиги – фуқароларни тарбиялаш тизимининг элементларидан бири бўлиб, инсон ғайриижтимоий хулқнинг энг охириги даражасигача етишига, яъни жиноят қонуни билан тақиқланган қилмишларни содир этишга йўл қўймасликдан иборат чекланган вазифани ҳал қилади.

Якка тартибдаги профилактик фаолиятини ташкил этишнинг мақсади, жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш, уларни ўрганиш, таъсир этиш, уларнинг хулқ-атворини ижобий томонга ўзгартириш ҳамда уларга салбий таъсир этувчи шарт-шароитларни бартараф этишга йўналтирилган фаолиятдир.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширади. Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини қўллаш учун шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворидан, унинг ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллигидан

² М.Зиёдуллаев, Милиция таянч пунктларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқариш. –Т. 2008. –Б. 53.

ёхуд у ҳуқуқбузарлик содир этганлигидан далолат берувчи ишончли маълумотларнинг мавжудлиги асос бўлади.

Ҳуқуқбузарликларнинг мажбурловчи ва чекловчи хусусиятдаги якка тартибдаги профилактикаси қонунда назарда тутилган асосларда қўлланилади. Профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасинини амалга ошириш фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари шундаки якка тартибдаги профилактикасини амалга ошириш жараёнида аниқ қиладиган ишларини ўз олдига қўйиб олиши ва белгиланган вазифаларни бажариши лозим. Оладиган бўлсак Профилактика инспектори ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси объектларини амалга оширишда қуйидагилар киради.

Жумладан :

- 1) ғайриижтимоий ҳуқ-атворга эга шахслар;
- 2) ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар;
- 3) ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар;
- 4) ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли (виктимлиги) юқори бўлган шахслар;
- 5) ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахслар;
- 6) ижтимоий ҳимояга муҳтож вояга етмаганлар.

Жумладан, ички ишлар органларида профилактик ҳисобда турувчи шахслар, маъмурий ҳуқуқбузарлар, вояга етмаган ҳуқуқбузарлар, диний экстремистик ва террористику оқим аъзолари, вояга етмаганларга салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар, сурункали ичкиликбозлар, гиёҳвандлар, ижтимоий хавfli тажовузкор руҳий касаллар ва бошқалар.

Якка тартибдаги профилактика – фуқароларни тарбиялаш тизимининг элементларидан бири бўлиб, инсон ғайриижтимоий ҳуққнинг энг охириги даражасигача етишига, яъни жиноят қонуни билан тақиқланган қилмишларни содир этишга йўл қўймасликдан иборат чекланган вазифани ҳал қиладди.

Якка тартибдаги профилактик фаолиятини ташкил этишнинг мақсади, жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш, уларни ўрганиш, таъсир этиш, уларнинг ҳуқ-атворини ижобий томонга ўзгартириш ҳамда уларга салбий таъсир этувчи шарт-шароитларни бартараф этишга йўналтирилган фаолиятдир. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоий ҳуқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширади.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси ҳуқуқбузарликларга мойил бўлган шахсларга йўналтирилиб, бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасидан қуйидаги алоҳида хусусиятлари билан фарқланади:

- ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси алоҳида тоифадаги ҳуқуқбузарликларга мойил шахсларга йўналтирилиши;
- индивидуал ёндошувни талаб этиши;
- мажбурлов ва чеклов нормаларини қўлланилиши;

- ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибаги профилактикаси йўналтирилаётган шахсларнинг ўзига хо хусусиятларидан келиб чиқиб профилактик чора-тадбирлар қўланилишини талаб этиши;

- бошқа давлат органлари ва кенг жамоатчилик имкониятларидан фойдаланишни талаб этиши.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг асосий усуллари мавжуд бўлиб улар қуйдагилар ҳисобланади:

✓ ишонтириш;

✓ рағбатлантириш; □ мажбурлаш.

Ҳуқуқбузарликнинг якка тартибдаги профилактикасида ишонтириш усули ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ва ҳуқуқбузарлик содир этган, шунингдек, ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли (виктимлиги) юқори бўлган шахсларга тарбиявий таъсир ўтказиш ҳамда огоҳлик ва ҳушёрликка чақиришдан иборат бўлиб бу усул ҳам ўз таъсирини етарлича сездириб келмоқда. Шахснинг жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ғайриижтимоий хулқ-атвор эканлигини, содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жазонинг муқаррарлигини, шунингдек, ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш хавфининг мавжудлигини англаб этиш ва хавфсизлик чорларини кўриш ишонтиришдир. Ишонтириш муайян ибратли ҳаракатлар (фаолият) ёки асосли, қимматли ва реал ҳаётга мос фикр-сўзлар орқали амалга оширилиши мумкин. Дарҳақиқат, ишонтириш усули соф тарбиявий-огоҳлантирув хусусиятга эга бўлиб, улар профилактика қилинаётган шахснинг ҳуқуқларини асло чекламайди.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунда асосий принциплардан бири сифатида «ишонтириш усулининг устуворлиги»нинг киритилиши мазкур усулнинг аҳамияти ва долзарблигини янада оширди. Бу эса ишонтириш усули ишлаб чиқиляётган ҳар бир профилактик чоратадбирларда ва уларнинг амалга оширилишида ўз ифодасини топмоғи лозимлиги талабини қўяди. Хусусан, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасида қўлланиладиган одатдаги ишонтириш чораларига профилактик суҳбат, жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоаларидаги муҳокамалар, жамоатчи тарбиячилар ва жамоатчи мураббийлар томонидан профилактика қилинувчи шахсни оталиққа олиниши, жабрланувчиларга шахслар ўртасидаги низоларни ҳал этиш усуллариини ўргатиш, ҳужум қилинган тақдирда зарурий мудофаа ва охириги зарурат ҳақидаги маълумотларни кенг тарқатиш йўли билан аҳолига ҳуқуқий тарбия ва таълим бериш кабиларни киритиб ўтиш мумкин. Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг рағбатлантириш усули айрим профилактик ҳисобда турган шахсларнинг ахлоқан тузалаётган ва ўзида ижтимоий ижобий хулқ-атворни шакллантира бошлаганларини эътироф этиш ҳамда шу муносабат билан имтиёз ёки имкониятлар бериш ёхуд фуқароларни ҳуқуқбузарликдан жабрланишдан ҳимояланиш усул ва воситаларини тўлиқ ўзлаштириш ва улардан самарали фойдаланишга қизиқтириш ҳамда ундаш кабилардан иборатдир.

Адабиётлар:

1. "Huquqbuzarliklar profilaktikasi to'g'risida"gi Qonun // 2014
2. "Huquqbuzarliklar profilaktikasi va jamoat xavfsizligini ta'minlash sohasida kadrlar tayyorlash tizimini takomillashtirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi Prezident Qarori // 2019
3. O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi hay'atining kengaytirilgan yig'ilishidagi Prezident Shavkat Mirziyoyevning nutqi // 2021

